



УРУШ ФАХРИЙЛАРИГА – 1,1 МЛН. ТЕНГЕДАН

Улуғ Ватан уруши фахрийларига бериладиган бир марталик пул мукофоти жорий йилда 1110680 тенге (360 ойлик ҳисоб кўрсаткичи) миқдорида белгиланди. Бу ҳақда вилоят фахрийлар кенгаши девонининг мутасадди ходими Абдишукир Сапарбеков маълум қилди.

Унинг айтишича, ушбу маблағ фахрийларнинг ҳисоб-рақамига ўтказилади. Фронторти меҳнаткашларига эса 30 минг тенгедан берилади.

Шимкент шаҳар бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бўлими раҳбари Улдана Бекбаунинг айтишича, учинчи мегаполис фахрий жангчиларининг ҳисоб-рақамига ҳам пул ўтказилади. Пулни олиш учун бирорта ташкилотга ҳужжат топшириш талаб этилмайди. Мукофот пенсия тўлаш маркази берган рўйхат асосида тўланади. Уруш фахрийларига тенглаштирилган фуқароларга эса 36 ОҲҚ, яъни 110260 тенгедан тўланади. 2500дан зиёд фронт орти меҳнаткашига 12 ОҲҚ – 36705 тенгедан тўланади.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

ТАЛАФОТ КЎРГАН
ФУҚАРОЛАРГА
ЁРДАМ КЎРСАТИЛАДИ

2-бет

ЯЙЛОВЛАР
МАСАЛАСИ
ҲАЛ БЎЛАДИ

3-бет

КИТОБ –
МАЎНАВИЯТНИНГ
ТУГАНМАС ХАЗИНАСИ

4-бет

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси



janubiy.kz

Жанубий ҚОЗОҒИСТОН

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2022 йил 28 апрель, пайшанба. №46 (3099).



Қасим-Жўмарт Тўқаев ўз маърузасида давлат ва жамиятни ислоҳ қилиш жараёнида «AMANAT» партиясининг ролига тўхталди. Президент партия мамлакатимизда бошланган ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, “тингловчи давлат” концепциясини ҳаётга татбиқ этишга салмоқли ҳисса қўшаётганини таъкидлади.

Тадбир онлайн тарзда ўтди. Унда “ADAL” сиёсий партиясини «AMANAT» партиясига бирлаштириш масаласи кўриб чиқилди.

– «AMANAT» ижтимоий адолат тамойилини қарор топтиришга устувор аҳамият беради. Ташкилотимизнинг ғоят муҳим вазифаси давлатчиликни мустаҳкамлаш, халқ бирлигини сақлашдан иборат. XXII съездда партияни ислохотлаш эълон қилинди. Уни янгилаш бошланди. Партия

дарҳол бу вазифалар ижросига киришди. Аниқ натижалар бор ва биз бу ўзгаришларни ҳис қилаямиз. Белгиланган суръатларни пасайтирмасдан, бу ишни давом эттиришимиз керак, – деди Давлат раҳбари.

Президент бир ой муқаддам Қозоғистон хал-

ЯНГИ ҚОЗОҒИСТОН – АДОЛАТЛИ ҚОЗОҒИСТОН

ДАВЛАТ РАҲБАРИ “АМАНАТ” ПАРТИЯСИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ XXII СЪЕЗДИДА ИШТИРОК ЭТДИ

қига Мактубида кенг қўламли сиёсий ислохотлар дастурини тақдим этганини таъкидлади. Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаларини тайёрлаш юзасидан ишлар бошланди, уларсиз режаланган кенг қўламли ислохотларни самарали амалга ошириш мумкин эмас.

– Конституциявий ислохотлардан кўзланган мақсад мамлакатнинг ҳар томонлама сиёсий замонaviйлашуви учун мустаҳкам замин яратишдан иборат. Ўтган ҳафта ўзгартиришлар лойиҳаси Конституциявий кенгашга юборилган эди. Унинг қабул қилиниши давлат институтларини шакллантириш ва фаолият юритишнинг сифат жиҳатидан янги шаклини – Янги Қозоғистонни қуриш имконини беради. Кўпинча фуқароларимиз ўзларига савол беришади: Янги Қозоғистон нима? Ўйлайманки, бу саволга қисқа ва лўнда жавоб бериш мумкин. Янги Қозоғистон бу адолатли Қозоғистон. Тан олиш керак, фуқароларимизга ижтимоий адолат етишмаяпти. Оддий халқнинг манфаатларини менсимаслик ҳолатларининг учраётгани сир эмас ва бунда давлат девони вакиллари баъзан очиқ адолатсизликларнинг манбаи бўлмоқда. Фуқароларнинг ҳокимият институтларига ишончсизлиги шундан.

Бинобарин, «AMANAT» партияси олдида ушбу

ўта ноқулай вазиятни созлашдек мураккаб вазифа турибди. Сиз фуқаролик жамияти ва ҳукумат ўртасидаги самарали ҳамкорлик кўприги бўлишингиз керак, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Давлат раҳбари Конституцияга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар мамлакатимизнинг бутун сиёсий тизимини мажмуавий жиҳатдан қайта шакллантиришга, ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро муносабатлар ва мувозанатнинг янада мутаносиб тизимини барпо этишга қаратилганини таъкидлади. Бу ниҳоят, суперпрезидентлик бошқарув шаклидан воз кечиш, парламент ва маслаҳат ваколатларини кучайтириш имконини беради.

Маърузада партиявий-сиёсий соҳани замонaviйлаштириш устувор йўналишлардан бири бўлди. Президент партия ва сайлов қонунчилигини муросасозлаштиришга алоҳида эътибор қаратди, бу эса ҳокимиятнинг барча бўғинларида қабул қилинадиган қарорларда жамият ролини кучайтиришга хизмат қилади. Унинг фикрича, овозлар учун рақобат янада кескинлашади, сиёсий жараённинг бўшқинлиги ва мазмуни ўзгаради.

Умуман олганда, партия майдони ҳаракатлана бошлаганини кўриб турибмиз.

(Давоми 2-бетда). ➤

2025 йилгача 22та олма боғи барпо этилади

– 2021 йилда олма импортнинг улуши 99,4 минг тоннани, маҳаллий ҳосилимиз 262,8 минг тоннани ташкил этди. 2025 йилгача 8,2 минг гектар майдонда 22та боғ барпо этиш ҳисобига импортдан воз кечиш режалаштирилган, – деди Қишлоқ хўжалиги вазири Ербўл Қарашўкеев Ҳукумат йиғилишида.

Вазирнинг маълум қилишича, 2025 йил охиригача гўштни қайта ишлаш ҳажми ортиб, 24та сармоjavий лойиҳа амалга оширилади. Шу жумладан, қуввати 87,4 минг тонна гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тўртта йирик корхонани ишга тушириш режалаштирилган, – деди Е. Қарашўкеев.

Қозоғистон шакар импортини 32 фоизга қисқартиради

Бу ҳақда ҳам Ҳукумат йиғилишида Қозоғистон қишлоқ хўжалиги вазири Ербўл Қарашўкеев маълум қилди. Унга кўра, сув таъминоти муаммоси ҳал этилиб, экин майдонлари 14,5 минг гектардан 38 минг гектарга кенгайтирилади. Техник жиҳозлаш амалга оширилиб, саноат инфратузилмасини ривожлантиришга киришилади. Шунингдек, шакар заводини янгилаш ва қуриш лойиҳаларини ишга тушириш ҳисобига ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни 332 минг тоннадан 1,8 миллион тоннага етказиш кўзланган.

– Шунинг учун шакар ишлаб чиқаришни 7 бараварга кўпайтириб, 254 минг тоннага етказиш, шакар импортини 32 фоизга қисқартириш кутилмоқда. Бу маҳаллий шакар етказиб беришни 7 фоиздан 43 фоизга ошириш имконини беради. Бундан ташқари, юқоридаги натижаларга эришиш учун 5-6 йил муддатга субсидиялар ва имтиёзли кредитлар ҳисобидан давлат томонидан қўллаб-қувватланиши зарур, – деди Е. Қарашўкеев.

24 кз.

Туркистон вилоятида уч йилдан зиёд вақт мобайнида сув омборлари қуриш, кўлларни тиклаш борасида кенг қўламли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўттор туманининг Жетикўл кўллари. Бу ерда ҳозир қушлар ва баликлар кўпайган. Кўл ҳудудида 200дан зиёд турдаги паррандаларни учратиш мумкин.

Вилоят ҳокими Жетикўл ва “Кенсай-Қўшқўрғон-2” сув тақсимлагичига борди.

ЖЕТИКЎЛ ЭКОТУРИЗМ МАРКАЗИГА АЙЛАНАДИ

Туркистонда 234 млн. куб. метр сув тақчиллиги аниқланди. Уни “Кенсай-Қўшқўрғон-2” сув тақсимлагич ёрдамида етказиш кўзланмоқда. Тақсимлагич қурилиши ўтган йили якунланган. Лойиҳа доирасида 30 миллион куб. метр сув етказиб бериш кўзланган бўлса, айни пайтда бу ерда 14 миллион кубометр сув тўпланган.

Ў. Шўкеев Кентов шаҳри ва сув тақсимлагич ҳудудида жойлашган қишлоқлар аҳолиси ва деҳқонлари билан учрашди. Улар вилоят раҳбарига сув таъминоти муаммосини ҳал қилгани учун миннатдорчилик билдиришди. Келажақда сувдан нафақат қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари, балки туризм учун ҳам фойдаланилади, сув спорти ривожига туртки бўлади.

Вилоят ҳокими Жетикўл кўлига бориб овчилар, нозирлар ва дам олувчилар билан учрашди.

– Сувдан оқилона фойдаланиш борасида муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жетикўлни янгилаш

лойиҳасига кўра, 34 чақирим тўғон қурилди, кўлга 370 миллион куб. метр сув етказилди. Бугун биз кўлдаги ўзгаришни кузатмоқдамиз – қушлар кўпайди. Эндикда давлат томонидан қўллаб-қувватланаётган кўмақдан самарали фойдаланиш, парранда ва баликларнинг кўпайиши учун шарт-шароит яратиш зарур. Ноқонуний овчиликка қарши курашни кучайтириш керак. Ов туризмининг замон талаблари асосида ривожлантириш зарур, – деди ҳоким.

«Йўл харитаси»га кўра, вилоят ҳудудида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва газлаштириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Туркистон вилояти ҳокими матбуот хизмати.



ВИЛОЯТ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 мартдаги 826-сонли “Ҳокимларнинг аҳоли билан учрашувларини ўтказиш тўғрисида”ги Фармонининг ижроси доирасида Туркистон вилояти ҳокими Ўмирзақ Естайули Шўкеевнинг Сариеғоч тумани аҳолиси билан учрашуви 2022 йил 5 май куни соат 11.00да Сариеғоч шаҳрида, туман Маданият уйи майдонида ўтади.

Шунингдек, вилоят ҳокими 2022 йил 5 май куни соат 12.00да туман Маданият уйи қошидаги кутубхонада туман аҳолисини шахсан қабул қилади.

Туркистон вилояти ҳокими Ўмирзақ Естайули Шўкеевнинг Келес тумани аҳолиси билан учрашуви 2022 йил 5 май куни соат 16.00да туман А. Кенжеев номидаги Маданият уйи қошидаги майдонда ўтади, шунингдек, вилоят ҳокими 2022 йил 5 май куни соат 17.00да туман ҳокими девони биносидан туман аҳолисини шахсан қабул қилади.

Қабулга аввалдан ёзилиш 8 (72533) 5-98-99 алоқа телефони ҳамда t.akimat@ontustik.gov.kz электрон почтаси орқали 2022 йил 4 майгача соат 9.00дан 19.00 оралиғида (тушки танаффус соат 13.00-15.00гача) амалга оширилади.

Тегишли ташкилотларнинг иштирокчини таъминлаш ҳамда бевосита алоқа ўрнатиш мақсадида ариза берувчининг исм-шарифи, савол мазмуни, манзилгоҳ, алоқа телефони ҳамда электрон почта (бор бўлса) аниқ кўрсатилиши керак.

ЯНГИ ҚОЗОҒИСТОН – АДОЛАТЛИ ҚОЗОҒИСТОН



ТАРАҚҚИЁТ РЕЖАСИ МУҲОКАМАДА

“2021-2025 йилларга мўлжалланган Туркистон вилоятининг тараққиёт режаси” тасдиқланиб, 127та асосий кўрсаткич белгиланди. 2022 йилнинг I чорагида кўрсаткичларнинг аниқ ижроси – 109 ёки 86 фоиз. Вилоят ҳокими Ғамитқоз Шўкеев раислигида ўтган девон мажлисида биринчи чоракда минтақани ривожлантириш режасининг ижроси, долзарб масалалар ва галдаги вазифалар муҳокама қилинди.

– Барча муҳим масалалар таҳлил қилиниб, Туркистон вилоятини ривожлантириш режасига киритилган. Ҳар бир соҳага масъул раҳбарлар, фуқаролар, ходимлар ўз зиммасига юкланган кўрсаткичларни сифатли ва тизимли бажаришлари шарт, – деди вилоят раҳбари.

Вилоят стратегия ва иқтисодий тараққиёт бошқармаси раҳбари Қанат Қайипбековнинг айтишича, 2021 йилнинг 9 ойида аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 1200,0 АҚШ долларни ёки аҳоли жон бошига чаққандаги ЯҲМ – 904,2 минг тенгени ташкил этди. 2022 йилнинг I чорагида асосий капиталга жалб этилган сармоянинг ўсиш суръати 2019 йилдагига нисбатан 59,3 фоизни ташкил этди. Йил бошидан буён тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга доир 17та лойиҳа маъқулланди. Уч ойда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулот ҳажми 117,9 млрд. тенгени ташкил этди. Фойдаланишга топширилган уйлارнинг умумий майдони 113,9 минг квадрат метрни ташкил этиб, ўтган йилнинг ушбу даврига нисбатан 18,5 фоизга ошди.

Вилоят ҳокими Ғамитқоз Шўкеев таълим, соғлиқни сақлаш, сармоя, тадбиркорлик, спорт, туризм ва бошқа соҳалардаги режаларни муддатида бажаришни топширди. Ҳар бир кўрсаткич бўйича мониторинг юритилиб, доимий равишда назоратда бўлади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ЗАМОН ТАЛАБИГА МОС ЯНГИЛАНАДИ

ҚР Давлат хизмати ишлари агентлигининг раиси Д. Жазиқбаев Туркистон шаҳрига келиб, вилоят давлат хизматчилари ва ёш давлат хизматчилари мактаби талабалари билан учрашди.

Агентлик раиси вилоят фаоллари, давлат хизматчилари билан учрашувда мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар, давлат хизмати сифати ҳақидаги фикрларини илгари сурди. Учрашувни вилоят ҳокимининг ўринбосари Арман Жетписбай олиб борди.

– Мамлакатнинг ҳар бир фуқароси давлат хизматларини ўзи танлаган минтақада олиш имкониятига эга бўлиши керак. Давлат хизматларини кўрсатиш муддатлари ва тартибига риоя қилиниши шарт. Давлат раҳбарининг фармонида биноан агентлик давлат девони фаолиятида расмийликни бартараф этишга оид чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, ҳар олти ойда Президент Маъмуриятига аниқ тавсияларни йўллаб туради. Давлат раҳбари Янги Қозоғистон концепциясини тақдим этди. “Инсон – давлат учун эмас, давлат – инсон учун” деган тушунчани илгари суриш керак, – деди Д. Жазиқбаев. – Давлат хизматлари сифатли, тўсиқсиз ва ўз вақтида кўрсатилиши ҳамда мамлакат манфаатлари биринчи ўринда туриши керак.

Шунингдек, у давлат хизматига қабул қилиниш жараёнини соддалаштириш бўйича қатор таклифларни илгари сурди.

Уйлаймизки, биз, бу қадам ёш мутахассисларнинг қишлоққа қайтиши ва унинг ривожига ҳисса қўиши ҳамда ҳудудлардаги кадрлар тақчиллигини камайтиришга хизмат қилади, – деди у.

Учрашувда қатор долзарб масалалар ҳам кўтарилди. Жумладан, айрим туманларда давлат хизматчилари сони аҳоли сонига тўғри келмайди, давлат хизматчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муаммолар мавжуд.

Д. Жазиқбаев учрашувдан сўнг Туркистон шаҳри аҳолисини қабул қилиб, уларнинг муносабатларини тинглади. Хожа Аҳмад Ясавий номидаги ХҚТУнинг Ёш давлат хизматчилари мактаби талабалари ва профессор-ўқитувчилари билан ҳамсуҳбат бўлди. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Туркистон вилоятидаги 500га яқин давлат хизматчилари ушбу университет битирувчиларидир.

Шунингдек, агентлик раиси ташрифи доирасида Ўрдабоши тумани ва Кентов шаҳрида фуқароларнинг шахсий қабулини ўтказди, кўрсатилаётган давлат хизмати сифати билан яқиндан танишди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ЭШКАК ЭШУВЧИ ЧЕМПИОНЛАР

Туркистон вилоятининг эшкак эшувчилари янги мавсумни ғалабалик билан бошлади.

Улар Алмати шаҳрида ўтган Қозоғистон чемпионатида 30та медал (9та олтин, 9та кумуш ва 12та бронза)ни қўлга киритишди.

Мусобақалар мамлакатимизнинг 12та жамоасидан 113 нафар спортчи иштирок этди. Сув спорти бўйича олимпиада захираларини

тайёрлашга ихтисослаштирилган Туркистон вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари муваффақиятли иштирок этди. Н. Сергеева, А. Терешченко, И. Лукьянов, Д. Кориткина, У. Киселевалар олтин медаллар билан вилоят ғазнасини бойитишди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



Қора ва рангли металлари Қозоғистондан олиб чиқиш тақиқланди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

– “ADAL” партиясининг «AMANAT» партияси билан бирлашиш ташаббуси юртимизда бошланган ўзгаришларнинг ёрқин эпкинидир. Фурсатдан фойдаланиб, шундай муҳим қарорни қабул қилган “ADAL” фирқаси етакчилари ва аъзоларига миннатдорчилик билдираман. Янги Қозоғистон қурилиши умумий бирдамликни ва барча соғлом ижтимоий-сиёсий кучларнинг саъй-ҳаракатларини сафарбар қилишни талаб қилади.

Партиялар ўртасида мулоқотни йўлга қўйиш, сиёсий тизимни ривожлантириш жуда муҳим. Шу боис “ADAL” партиясининг бу ташаббусини қўллаб, бирлашишни тўғри қарор деб биламан. “ADAL” кучли партиявий кудратга эга ва тарафдорлари базаси шаклланган. Бу, айниқса, сиёсий рақобат кучайиб бораётган бир шароитда қадрлидир, – деб ҳисоблайди Президент.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, конституциявий ислохотлар Мустақиллигимиз тарихида давр талаби, жамият талаблари тақозоси билан белгилаб берилган янги босқичдир.

– Давлат раҳбари ҳеч бир партияга устувор аҳамият қаратмаслиги, яъни сиёсий жиҳатдан бетараф бўлиши керак. Бу менинг аниқ нуқтаи-назарим. Партия раислигидан кетаман ва унинг сафидан чиқаман, деб аввал ҳам айтгандим. Бунинг вақти келди. Бугундан эътиборан «AMANAT» партияси раисининг ваколатларини тутатишга ва уни

тарқ этишга қарор қилдим. Албатта, бу қадам рамзий маънога эга. Шу муносабат билан Президент сайловида менга кўрсатилган ишонч ва қўллов учун барча миннатдорчилик билдираман. Ҳал қилувчи паллада партия бошқарувини менга ишониб топширганингиз учун ҳам миннатдорман. Биз биргаликда кўп ишларни қилдик, амалга оширдик. Олдимизда улкан вазифалар турибди. Бугунги кунда мамлакатимизни барча соҳаларда чуқур илдиз отган танҳо ҳокимликдан чиқаришга бел боғладик. Бу жараён сиёсий тизимни ҳам четлаб ўтмаслиги керак, – деди Президент.

Қасим-Жўмарт Тўқаев, шунингдек, партия раислигига ҚР Парламенти Мажлиси раиси Ерлан Қўшанов номзодини таклиф қилди.

Съездда делегатлар “ADAL”нинг “AMANAT”га қўшилиши учун овоз беришди.

– Ҳозирда партия парламент ва маслаҳатларда аксарият кўпчиликини ташкил этади. Бу унга ҳуқуқмат ва ҳокимлар фаолиятини қатъий назорат қилиш имкониятини беради. Президентнинг партия сафидан чиқиши билан унинг стратегик йўналишлари ўзгармайди. Шубҳасиз, “AMANAT” фирқаси бундан буён ҳам мамлакатнинг сиёсий ҳаётида алоҳида ўрин тутати. Сיעсатда узвийликни сақлаб қолган партия юрт фаровонлиги йўлида бунёдкорлик фаолиятини давом эттиради, – деди Давлат раҳбари.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.

● Президент топшириқлари амалда

ҚР Президенти Қ. Тўқаевнинг топшириғига биноан, вилоят ҳокими раислигида тошқиндан талафот кўрган фуқароларга ёрдам бериш мақсадида махсус комиссия тузилди. Вилоят бюджети жамағмасидан маблағ ажратилиб, қуйидаги ёрдам тури берилади:

1. Нобуд бўлган чорва моллари учун қоидага мувофиқ бадал тўланади;
 2. Уй-жойлар қайта тикланади;
 3. Бинолар ва уй-жойларнинг томлари тикланади;
 4. Хўжалик иншоотларининг тикланишига ёрдам кўрсатилади.
- Бугунги кунда комиссия сарф-харажатларни ҳисобламоқда.

ТАЛАФОТ КЎРГАН ФУҚАРОЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИЛАДИ

Шунингдек, Қазигурт тумани, Қақпақ қишлоғи ва Саригоч тумани, Бағис аҳоли манзилига борган “AMANAT” партияси Туркистон вилоят бўлими ижроия котибининг ўринбосари П. Турсинбаев, вилоят маслаҳати депутати Гулбахира Тажибаева ҳамда туман маслаҳати депутатлари ижтимоий-сиёсий ахвол билан танишиб, маҳаллий аҳоли билан учрашди.

Бағис аҳоли манзилидаги ахвол барқарор. Ёгингарчилик туфайли келтирилган зарар аниқланаяпти.

Қазигурт туманидаги 4 аҳоли манзилига ёрдам бериш учун минтақанинг ҳар бир ҳудудидан ва Шимкент шаҳридан 100дан зиёд кўнгилли ёшлар тўпланди. Улар сув босган уйлар ҳовлиси, саройлар, кўчаларни лой-ботқоқдан тозалашга ёрдам беришмоқда.

Хусусан, Туркистон ва Арис шаҳарлари, Келес, Тўлебей, Саригоч, Мақтаарал, Сайрам туманлари, шунингдек, Шимкент шаҳри ёшлари фаоллик кўрсатмоқда. Вилоят партия бўлими қоидага ёшлар қанотининг раиси Ж. Жуманнинг айтишига қараганда, кўнгиллилар ёрдами давом этади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

● Брифинг



ТОШҚИН ВА ДАВР ГИРДОБИДА

Апрель ойининг сўнгги кунлари Туркистон вилоятининг тоғли ҳудудларида кучли ёгингарчилик туфайли юзага келган вазиятни тиклаш борасида тезкор чоралар кўрилмоқда. Бу ҳақда Туркистон вилоят Фавқулодда вазиятлар департаменти раҳбари ўринбосари Ерик Сариебаев маълум қилди.

– 24-25 апрель кунлари Қазигурт ва Саригағаш туманларида кучли ёмғир ёгиши оқибатида тошқин юзага келди ва 53та уйнинг ҳовлиси, 18та уй, тўйхона, 16та қишлоқ хўжалик иншоотлари талафот кўрди. Сув босган ҳудудлар аҳолиси кўчирилиб, барчаси қариндошларининг

уйларига етказилган. Воқеа жойида ФВД ва маҳаллий ижро органлари томонидан ариқларни тозалаш ишлари олиб борилмоқда, – деди Ерик Темирханули.

Кентовда кучли шамол биноларнинг томини учириб кетган. Хусусан, Ясавий, Алтинсарин, Уалиханов, Абилайхан кўчаларидаги биноларнинг томига жиддий зарар етган. Ҳалок бўлган ва яраланганлар йўқ. Воқеа жойида ФВД ҳамда маҳаллий ижро органлари вакиллари иш олиб бормоқда.

Майсара САФАРОВА.



ҒАЛАБАГА ЙЎЛ

«AMANAT» партиясининг замонавийлашув дастури доирасида спорт мусобақалари уюштирилмоқда. Кун кеча «QAISAR» ҳарбий-ватанпарварлик лойиҳаси доирасида Туркистон шаҳрида илк бор минтақавий саралаш ўйинлари ўтказилди. Лойиҳанинг мақсади – ёшларда ватанпарварлик ва ахлоқий-руҳий фазилатларни шакллантириш ва такомиллаштириш.

Лойиҳа “Яссы” бошланғич партия ташкилотининг ҳомийлик маблағи ҳисобидан ва вилоят ёш депутатлар корпуси қўллови билан амалга оширилди. «AMANAT» партияси Туркистон вилоят филиали қошидаги ёшлар қаноти раиси Жансерик Жуманнинг таъкидлашича, мусобақада 10-11-синф ўқувчилари иштирок этиб, иккинчи босқич саралашидан ўтишди.

Спорт мусобақаларига 6та тумандаги 11та мактабдан ҳарбийгача тайёргарлик бўйича кучлилар сафидан жой олган ўқувчилар иштирок этишди. Ҳар бир жамоа таркибида 3 нафар ўғил бола ва 2 нафар қиз бола куч синашди. Биринчи босқичда «Туркистон Арена» ўйингоҳида 3000 ва 1000 метрга югуриш мусобақалари ўтказилди, навбатдаги босқич эса «OLIMPIC» марказида уюштирилиб, унда иштирокчилар сув спорти турлари бўйича беллашадилар.

Икки босқич натижаларига кўра, 1-уринни Кентов шаҳридаги М. Қошғарий номи мактаб, 2-уринни Саригоч туманидаги Ж. Жабаев номидаги 75-сонли мактаб, учинчи ўринни эса Саврон туманидаги А. Юнқий номи мактаб эгаллади.

Минтақавий саралаш босқичи ғолиблари 3-6 май кунлари Алмати шаҳрида ўтадиган республика турнирида Туркистон вилояти шарафини ҳимоя қилади.

«AMANAT» партияси вилоят филиалининг матбуот хизмати.

ЯЙЛОВЛАР МАСАЛАСИ ҲАЛ БЎЛАДИ



АМАНАТ



Бир неча йилдан буён Туркистон вилоятида яйловлар муаммоси кўтарилмоқда. Партия қабулхоналарида мазкур масала юзасидан фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилиб, сиёсий ташкилот кўмагида тегишли вазирликка сўров йўлланган ва партия назоратида олинган эди. Шундай бўлишига қарамай, ер масаласи долзарблигича қолмоқда.

ҚР Парламенти Мажлиси депутати Қайнар Абасов ва “АМАНАТ” партияси Туркистон вилоят филиалининг ижроия котиби Бейсен Тажибаев деҳқон хўжаликлари вакиллари билан учрашди. Яйлов тақчиллиги юзасидан Қазигурт ва Тўлебий туманларида бўлиб, фуқароларнинг арз-шикоятларини тинглади.

Қазигурт туманидаги қишлоқ хўжалик ерларининг аксарият қисми хусусийлаштирилган. Ўтган йилда комиссия тузилиб, ўзлаштирилмаган ва мақсадга мувофиқ фойдаланилмаётган ерлар назоратга олинган эди. Халқ ноиби билан учрашувда Алтинтўбе ва Жанабазар қишлоқларидаги масалалар муҳокама қилинди. Унда деҳқонлар мақсадга мувофиқ фойдаланилмаётган ерларни аҳолига шартли ер улуши сифатида тақсимлаб беришларини сўраб мурожаат қилишди. Учрашувда “Туркистон ижтимоий-тадбиркорлик корпорацияси” ХЖ тасарруфидаги 15300 гектар ер йил охиригача туман махсус ер жамғармасига қайтарилиши маълум қилинди. Туман ер му-

носабатлари бўлими вакиллари-нинг маълум қилишича, вилоят ҳокимлигининг топшириғига кўра, жорий йилда 44000 гектар умумий фойдаланишдаги ер майдони туманга қайтарилади. Депутат Қ. Абасов муаммоларни ўрганаркан, ҳудудда яйлов танқислигини таҳлил қилишга келганлигини таъкидлади.

– Давлат раҳбари қишлоқ атрофидаги бўш ерларни умумий фойдаланишга қайтаришни топширди. Масала ҳар томонлама ўрганилади. Ер жамғармасига ўтказилган ерлар ҳеч қачон хусусий шахслар тасарруфига берилмайди. Улардан яйлов сифатида фойдаланилади. Июль ойидаги учрашувимизгача бу масала ҳал этилиши керак, – деди депутат.

Тўлебий туманида эса жорий йилда 8708,9 минг гектар ер махсус ер жамғармасига қайтарилди. Шундай бўлишига қарамай, Қасқасу қишлоқ округида яйлов жуда кам. Бу қишлоқда 5500 одам истиқомат қилади, яйловлар эса атиги 400 гектарни ташкил қилади. 2019 йилда 1558 гектар ер “Сайрам-Ўғам” миллий боғи тасарруфига ўтиб кетган. Тўлебий туманидаги учрашувда ана шу ерни умумий фойдаланишга қайтариш масаласи кўтарилди.

Қ. Абасов ушбу муаммо уч қишлоқда эмас, бутун вилоятда долзарб эканлигини таъкидлади. Мурожаатлар умумлаштирилиб, тегишли вазирликларга йўлланилишини маълум қилди. Б. Тажибаев эса мазкур масалалар сиёсий ташкилотнинг қатъий назоратида бўлишини таъкидлади.

Умуман олганда, вилоятимизда яйловларни умумий фойдаланишга қайтариш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Вилоят ҳокими Ў. Шўкеевнинг топшириғига кўра, туман ва шаҳар ҳокимлари томонидан бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2021 йилда 132 минг гектар ерни, жорий йилда 1 млн. 12 минг гектар ерни давлат тасарруфига қайтариш режаланган. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, қайтарилган ерларнинг ярми йирик ер фойдаланувчиларига берилса, қолгани меморандум орқали тақсимланади.

“АМАНАТ” партияси
Туркистон вилоят
филиалининг
матбуот хизмати.

СУВ БАЛОСИДАН САҚЛА!

ТОШҚИН ОҚИБАТЛАРИ БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА



24 апрель кун и ёққан кучли ёмғир оқибатида Туркистон вилоятининг Қазигурт ва Саригоч туманларида 7та қишлоқ округининг 11та аҳоли манзилидаги уйлар, бизнес ва қурилиш иншоотлари сув остида қолди.

ФВД ходимлари зудлик билан сув босган ҳудудлардан одамларни кўчиришди, уларнинг барчаси қариндош-уруғларининг уйларига жойлашди. Қўтқарувчилар тун бўйи сувни насослар ёрдамида чиқариш билан машғул бўлишди. Сел оқибатида чорва моллари нобуд бўлгани маълум, уларнинг сони аниқланмоқда.

Шунингдек, барча ҳокимликларда фуқаролар мурожаатлари учун махсус телефонлар ишлаб турибди.

Вилоят ҳокими Ў. Шўкеевнинг топшириғига мувофиқ тошқин оқибатларини бартараф этиш бўйича махсус комиссия тузилди. Вилоят ҳокимлигида ўтган йиғилишда минтақа раҳбари аҳоли манзилларини сувдан тозалаш, аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш юзасидан топшириқлар берди.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

● Табиатни асраш –
инсониятни асраш демакдир

МИЛЛИЙ БОҒЛАРИМИЗ – ОНА ТАБИАТ МАРВАРИДИ

“Сирдарё-Туркистон” давлат ҳудудий табиат боғида дам олувчилар ва сайёҳларга хизмат кўрсатиш учун 7та назорат пункти ташкил этилди. Боғ ҳудудида ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик ва ҳайвонларга зарар етказиш ҳоллари аниқланса, ҳуқуқбузарлар жиноий жазога тортилади. Бундан ташқари, 3 000 ОҲҚ (3 000 ОҲҚ – 9 189 000 тенге) миқдорида жарима солинади. Бу ҳақда Сирдарё-Туркистон давлат ҳудудий табиат боғи илмий ходими Ғани Назарбек маълум қилди.

– Боғ ҳудудига рухсатсиз кирилса, ҚР Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 380-моддасига биноан 2 ОҲҚ миқдорида жарима солинади. Таъкидлаш жоизки, ўрмон ёнгинларининг олдини олиш мақсадида қишлоқ ҳокимлари ва қишлоқ умумтаълим мактаблари томонидан ташкил этилган 63та кўнгилли ўт ўчириш отрядларининг 566 нафар аъзоси ўқитилди. Айни



пайтда ўт ўчириш техникалари фавқулодда чақирувларга тайёр, – деди сайёҳлик, рекреция ва экологик таълим бошқармаси раҳбари Қайрат Қарибаев.

Жорий йилда табиат боғи мутахассислари томонидан “Боғлар намойиши – 2022” табиатни муҳофаза қилиш тадбири уюштирилди. Унинг доирасида “Сув ҳавзаларини тозалаш” шанбалиги ва Халқаро паррандалар кунини доирасида “Паррандаларни химоя қилиш кунини” тадбирини ўтказиш режалаштирилган.

М. САФАРОВА.

● Давлат рамзларига – 30 йил



Жорий йил Мустақил Қозоғистонимиз Давлат рамзларининг 30 йиллиги нишонланади. Мен ҳам эркин ва озод Ватанимнинг тенг ҳуқуқли вакили сифатида Давлат рамзларига юксак ҳурмат билан қарайман. Барча давлат идоралари пештоқида ҳилпираб турадиган байроқ мактабимизда ҳар кун и бизни билим олишга чорлайди.

Давлат рамзлари ҳар бир мамлакатнинг мустақиллигини ифодаловчи муқаддас тасмолдир. Рамзлар ҳалқимизнинг шон-шарафи, тарихи ва келажagini ўзида мужасамлаган, тинч ва осойишта, озод ва эркин ҳаётимиз, порлоқ келажак-

гимизга ишончимизнинг ифодасидир. Тарихдан ўқиб-билганим Байроқ аждодларимиз учун озодлик, куч-қудрат, шижоат, ғалаба тимсоли бўлган. Мустақкам ҳуқуқий асосга эга Байроқ, Герб ва Мадҳиямиз ҳар биримизнинг онгимизга

ВАТАНИМ БАЙРОҒИ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН!

шуур, уларга нисбатан чуқур эҳтиром туйғуларини сингдиради, уларни эъзозлаб, ардоқлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ота-боболаримиз ҳам юрт байроғини муқаддас билиб, уни кўз қорачиғидек асраганлар. Шунингдек, давлат рамзлари юр-

тимизда истиқомат қилаётган турли этнослар орзуларининг рўёби ҳамдир. Давлатимиз Байроғи бизнинг ўтмишимиз, бугунги кунимиз ва келажакимиздир.

Давлатимиз Президентининг байроқни ўпиб, қасамёд қабул қилиши, Қозоғистон спортчила-

ри ғалабага эришганда байроқни елкасига ёпиб, фахрланиши, бежиз эмас. Қозоғистон Байроғи биз, ёшларни улуг мақсадлар томон қорловчи муқаддас машъалдир.

Ер юзиде 200дан зиёд давлат бўлса, ҳар бир давлатнинг ўз рамзлари, байроғи бор. Уларнинг ҳар бири алоҳида ранг ва тимсолларга эга. Улар билан ёнма-ён ҳилпираб турган мовий байроғимиз билан ҳар қанча фахрланасак, гурурланасак арзийди.

Мен барча тенгдошларимни мамлакатимизнинг ватанпарвар ўғлонли бўлишга қақираман. Келажакни бизлар барпо этами. Унинг порлоқ бўлишига ишончим комил.

Жасур ҚОБИЛЖОНОВ,
мактаб ўқувчиси.



● Янги Қозоғистонни
бирга қурамыз

ЯНГИЛАНИШ ВА ЗАМОНАВИЙЛАШУВ ЙЎЛИ



Давлат раҳбари Қ. Тўқаев Қозоғистон халқига Мактубида “Янги Қозоғистон”нинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Унинг мазмун ҳамда моҳияти доирасидаги вазифаларни амалга ошириш учун бир йилдан зиёд вақт талаб этилади. Ҳужжатда бугунги куннинг долзарб муаммолари акс эттирилган бўлиб, уни ҳал қилишнинг аниқ йўллари ҳам белгилаб берилган ҳамда барча қозоғистонликларнинг эҳтиёж ва муаммолари эътиборга олинган.

Президент ўтмишдан сабоқ олишиб, келажак сари шахдам қадам ташлашимиз зарурлигини таъкидлади. Ва биринчи гада халқимиз жипслашиб, кучини бирлаштириши зарур. Ҳар бир қарор чуқур мулоҳаза маҳсули бўлиши керак, ҳар бир ишга масъулият билан ёндошмоқ жоиз. Мамлакат юксак мақсадларни ўз олдига қўяди ҳамда уларни бажаришга интилади. Ватанпарварлиқнинг юксак руҳига эга халқ доим ўз олдига қўйган мақсадларига эришади. Бош вазир-фамиз – Янги Қозоғистонни барпо этиш. Мактубда бошқарув шаклининг суперпрезидентлик шаклидан кучли Парламентга эга президентлик республикага ўтиш тўғрисида фикр юритилди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча масалалар Президент аралашувини тақозо этади. Бундай амалиётдан босқичма-босқич воз кечиш зарур. Партия тузилмаларини давлат девонлари билан қўшилиб кетиши номақбул жиҳатлардан бири. Сиёсий устунликка ишончли тўсиқ ўрнатиш керак. Қасим-Жумарт Кемелули Президент ваколатларини бажариш даврида партия аъзоллигини тўхтатиш масаласини қонун доирасида расмийлаштиришни тақлиф қилди. Мазкур мантиқдан келиб чиққан ҳолда қонунчилик доирасида ҳокимлар ва уларнинг ўринбосарларига партиялар сафида мансаб эгаллашларини ман қилиш зарур. Бундай қарорлар қўлқиррали партия тизимини шакллантириш имконини беради.

Президент ваколатларини босқичма-босқич қисқартириб, Парламент ролини сезиларли мустаҳкамлаш керак ва шу билан давлатнинг ҳуқуқий барқарорлигини ошириш жоиз. Сенатдаги Президент квотасини назорат воситаси эмас, балки Парламентда заиф ифодаланган ижтимоий гуруҳларнинг овоз ва фикрлари сифатида қабул қилиш керак. Давлат раҳбари Сенатда президентлик квотасини 15дан 10 нафарга қисқартириш тўғрисидаги қарорни қабул қилди. Жумладан, улардан беш нафари Қозоғистон халқи Ассамблеяси томонидан аввалгидек сайланмайди, тавсия этилади. Шундай қилиб Мажлисда ҚХА квотаси бекор қилинади. Мазкур квота Сенатга ўтказилади ва тўққиздан беш депутатгача қисқаради.

Президент Сенатга Мажлис қабул қилган қонунларни Сенатга фақат маъқуллаш ёки маъқулламаслик учун йўллайдиган меъёрини жорий этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Айнан Мажлис қонунларни қабул қилиш ҳуқуқига эга. Президент барча фуқаролар ҳуқуқларини тўлиқ эътиборга оладиган аралаш сайлов тизимига ўтишни тақлиф қилди. Мутаносиб мажоритар шакли сайловчилар манфаатини ҳам миллий, ҳам минтақавий даражада яхшироқ акс эттиради. Мажлисининг депутатлик корпуси қуйдаги чизма асосида шаклланади: 70 фоиз – мутаносиб ва 30 фоиз – мажоритар асосда. Бундан ташқари, аралаш услуб вилоятлар ва республика аҳамиятидаги маслаҳатлар сайловларида жорий этилади. Энди моҳиятан ҳар бир минтақа қуйи палатага камида бир депутатни сайлаш имконига эга бўлади. Депутатларнинг фуқаролар билан тигиз алоқаси талаб қилинадиган туман ва шаҳарларда тўлиқ мажоритар тизимга ўтиш тавсия этилади. Бу жойларда рақобатбардош сиёсий муҳитни яратати ва янги нуфузли сиёсатчиларнинг пайдо бўлишига қўшимча имкониятларни очиб беради.

Қозоғистонда, шунингдек, партияларни рўйхатга олиш жараёни ҳам ихчамлаштирилади. Рўйхатдан олиш чегараси тўрт бараварга қисқаради – 20 мингдан беш минггача. Минтақавий вакилликларнинг энг кам сони уч баравар камайд – 600дан 200 кишигача.

Сиёсий замонавийлашув доирасида маслаҳатлар маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг асосий бўлини бўлиши керак. Президент маслаҳатларнинг ваколатларини аниқ белгилаб беришни тақлиф қилди. Ҳокимлар сайланишининг жорий этилишини ҳисобга олиб, илғор халқаро тажрибага мувофиқ маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг бевосита молиялаштириш дастагини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Мактубда белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан улкан ишлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, Жетисай туманида жорий йил бошидан буён сайловчилар билан олтига жамоат қабули ва учрашувлар ўтказдим. Фуқаролар кўтарайтган муаммолар ўз ечимини топмоқда.

Мактуб эртанги кунга ишончли мустаҳкамлади. Барчани Янги Қозоғистонни барпо этишга қақираман. Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ижобий ўзгаришларни ҳис этиши жоиз.

Н. АБИШЕВ,
Туркистон вилоят маслаҳати депутати.

КИТОБ — МАЪНАВИЯТНИНГ ТУГАНМАС ХАЗИНАСИ

«Қарноқ» умумий ўрта мактабида кутубхона ходимлари сазў-ҳаракати билан китоб ҳафталиги ўтди.



Уни «Қарноқ» умумий ўрта мактаб директори М. Матмусаев очди. Тадбирда ўқувчилар топишмоқларга жавоб бериб, ёш ўқитувчилар билан савол-жавоб олиб борилди. Бошланғич синф ўқувчилари шеър ўқиб, мақоллар айтишди

оналари билан иштирок этиб, ғолибларга совғалар топширилди. 4- а.б.в.г синфлари «Эртаклар оламига саёҳат» мавзuida саҳна кўринишлари ижро этишиб, ғолиб синфлар рағбатлантирилди.

Мазмунли ўтган ҳафталик



ва уларга совғалар топширилди. 7-синф ўқувчилари чизган расмлари баҳоланди ва ғолиб гуруҳлар мукофотланди. Уйда таълим оладиган ўқувчиларга «BOOKSTART» дастури ёрдамида китоб совға қилинди.

«Оилавий беллашув» доирасида 5-синф ўқувчилари ота-

учун ота-оналар, мактаб маъмурияти ҳамда фаол ўқувчиларга миннатдорчилик билдирди.

Р. СОБИРОВА,
Д. ИСҲОҚОВА,
«Қарноқ» умумий ўрта
мактаби кутубхоначилари.
Кентов шахри.

Обуначиларимиз орасида

“КАРВОНСАРОЙ”ДА ЕР ОСТИ АВТОТУРАРГОҲИ

Туркистон шаҳридаги энг дастлабки ва машҳур умумий овқатланиш шохобчаси – тадбиркор Баҳодир Ирисметовнинг “Карвонсарой” чойхонаси ҳисобланади.



Мустақиллик йилларида бу ерда Қозоғистон, Ўзбекистон, Покистон каби кўплаб давлат раҳбарлари зиёрат ҳамда расмий ташрифи чоғида тушлик қилган. Бугунги кунда Туркистон шаҳрида автотураргоҳлар зарурияти яққол сезилмоқда. Шу муносабат билан “Карвонсарой” қошидаги автотураргоҳ кенгайтирилиб, ер ости автотураргоҳи барпо этилди.

Бу – тадбиркор Ғайрат Акешовнинг “VERSAL” тўйхонаси остидаги автотураргоҳдан кейинги иккинчи ер ости автотураргоҳи. Таукехан шохқўчаси бўйидаги ер ости автотураргоҳда назоратчи Жасур



Абдужабборов 35 та машинага учун жой мавжудлигини айтди. Айниқса, тушлик чоғида автотранспорт соҳибларига қўл келади. Мижозлар учун бу ерда барча шароитлар муҳайё. Бу янгилик, айниқса, шаҳарга олис хориждан келган зиёратчи ва сайёҳлар учун ўта қулай. “Карвонсарой” олдидаги автотураргоҳдан бўшаган майдонда эса ёзги тамаддихона, музқаймоқ ҳамда яхна ичимликлар билан савдо қилувчи нуқталар фаолият юритади.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Обуначиларимиз орасида

ФАҲРИЙ ТЕМИРҲЎЛЧИЛАР СУЛОЛАСИ ЁХУД

ИККИ АСР ДАВОМ ЭТАЁТГАН ТЎРТ АВЛОД ТЕМИРҲЎЛЧИЛАР СУЛОЛАСИ
ТАРИХИГА ЧИЗГИЛАР

Туркистон шаҳрида истиқомат қилувчи Фаҳрий ТемирҲўлчи, доимий жамоатчи обуначимиз Ҳалиллоҳ Маҳкамбой ўғли Никимбоев 70 ёшга тўлмоқда. Фидокорона меҳнати ва жасорати ва(темирҲўл таркибини хавфли ҳалокатдан сақлаб қолган) учун Ленин ордени билан тақдирланган машҳур машинист Маҳкамбой Тошмат ўғли ва Жаннат Маҳмудхў-

ҳолда аълога ўқиб, имтиёзли диплом билан тамомлади. 2005 йили Туркистон станциясидан илк бор Шимкент йўналишида поездлар қатнови бошланганида тажрибали мутахассис сифатида Ҳалиллоҳ Маҳкамбой ўғли машинист, инструктор этиб тайинланди.

45 йиллик меҳнат фаолияти давомида “Меҳнатдаги жасорати учун”, “Ўн биринчи беш йиллик ғоли-



ғори Ўлмас Ҳалиллоҳ ўғли босиб ўтган шонли йўлни сулоланинг кенжа вакили Қудрат (темирҲўл коллежиде таҳсил олмоқда) давом эттирмоқда. Туркистон – Тошкент йўналишида янги тезюрар темирҲўл тармоғи қурилиши бошланди.

Сулоланинг кенжа вакили, Ҳалиллоҳ отанинг невараси Қудрат келажакда ушбу йўналишда замонавий поездларни бошқаришига ва бу анъанани кейинги авлодлар давом эттиришига ишончимиз қомил.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Р.С. “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси тахририяти, фаҳрий темирҲўлчи Эркин Қолимбетов ва унинг оила-аъзолари Ҳалиллоҳ Маҳкамбой ўғлини етмиш ёш, умр йўлдоши Мухаббат Юсуф қизини олтмиш беш ёши билан муборакбод этиб, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ҳамда фарзандлар, неваара-эваралар камолини тилаб қолади.

Муаллиф тасвирлари.

Обуна – 2022

“ҚИЗИЛАСКАР”ЛИКЛАР ТАШАББУСИ ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ

Вақт тезкор. Мана, 2022 йилнинг иккинчи ярми учун обуна палласи ҳам бошланди. Саврон тумани марказидаги Қанат Қалиев раҳбарлик қилаётган “Қизиласкар” мактаби ҳовлисиде фаҳрийлар ёдгорлиги мажмуаси қурилиши бошланган. Яқинда мактаб номи ҳам ўзгаради. Директор ҳузуриде Саврон туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Қурбонбой Ирисбеков ҳамда қалби дарё инсон Моҳи Исмоилова (тасвирде) билан йилнинг иккинчи ярмига “Жанубий Қозоғистон” газетасига обуна масаласини муҳокама қилдик. Жонқурларимиз ушбу масъулиятли вазифа ҳар қачонгидан ҳам уюшқоқли давом эттирилишини маълум қилишди.



Келаси ўқув йилида мактаб устозлар ва ўқувчилар жамоасининг бир қисми қурилиши жадал давом этаётган янги ўқув биносига кўчиб ўтиши режаланмоқда.

“Қизиласкар” мактаби маъмурияти ва жамоаси ташаббуси таҳсинга лойиқ.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвири

ЙЎЛОВЧИЛАР 3,5 БАРАВАР КЎПАЙДИ

2022 йилнинг биринчи чорағида Туркистон халқаро аэропортида йўловчилар оқими 79489 нафарга етиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,5 бараварга ошган. Бу Туркистон шахрининг сайёҳлик салоҳияти сезиларли даражада ошганлигини кўрсатади.

Бугунги кунда аэропортдан 2та халқаро (Истанбул, Тошкент) ва 7та ички авиакатновлар амалга оширилмоқда.

1. “Туркистон – Истанбул” – ҳафтасига 6 марта (се-

шанба, чоршанба, пайшанба, жума, шанба, якшанба);
2. “Туркистон – Тошкент” – ҳафтасига 2 марта (душанба, пайшанба);
3. “Туркистон – Нур-Султан” – ҳар куни;
4. “Туркистон – Алмати” – ҳафтасига 6 марта (душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба, жума, якшанба);
5. “Туркистон – Ақтау” – ҳафтасига 3 марта (чоршанба, пайшанба, жума, якшанба);
6. “Туркистон – Қарағанди” – ҳафтасига 3 марта (чоршанба, жума, якшанба);
7. “Туркистон – Ўрал” –



ҳафтасига 2 марта (сешанба, шанба);

8. “Туркистон – Ақтўбе” – ҳафтасига 3 марта (чоршанба, жума, якшанба);

9. “Туркистон – Қўстанай” – ҳафтасига 3 марта (душанба, чоршанба, жума).

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

Директор – Бош муҳаррир – Алишер Ғофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.	Масъул шахслар: Туркистон, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07. Тўлебий — Баҳорой ДҲСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16. Қазигурт — Хуршид ҚҲЧҚОРОВ. +7-701-447-37-42. Сайрам — Мухтабар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36. Тулқибаш — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71. Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90	Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродалриги.	МАНЗИЛИМИЗ: 160023, Туркистон шаҳри, “Жаңа қала” кичик тумани, 11-кўча, 26-бино, 3-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79. Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55 Электрон почта: janubiy@inbox.ru
Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазжон БҲРОНБОВЕВ.	● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир. ● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмади.	Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рухсатга олинди, КЗ34ВРҲ00022503 гувоҳнома берилган. “ERNUR-print” МЧБ боомхонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.	Нашир кўрсаткичи – 65466. Адади – 12000 нуسخа. Бўғирма: 1080.
Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.	Қозоғистон Республикасида тарқатилади.	Набатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.	